

ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ

Ўқув-услубий
мажмуа

Таржима назарияси ва
амалиёти (тиллар бўйича)
Йўналиши тингловчилари
учун

Ўқув-услубий
мажмуа

2021

Таржима назарияси ва амалиёти
(тиллар бўйича)

3.4. Тилшунослик назариясининг тил амалиётига
интеграцияси

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7” декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

**ЎзДЖТУ ўқтувчиси
К.Т.Алимова**

Тақризчи:

**ЎзДЖТУ доц, филология
фанилари доктори, Х. Б.
Самигова**

**Ўқув -услубий мажмуа ЎзДЖТУ ҳузуридаги РИАИМ Илмий-
методик Кенгашининг 2020 йил 25 декабрдаги 10 - сонли қарори билан
тасдиқка тавсия қилинган.**

М У Н Д А Р И Ж А

| | | |
|------|--|-----|
| I. | ИШЧИ ДАСТУРИ..... | 3 |
| II. | МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 14 |
| III. | НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР..... | 28 |
| IV. | АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР..... | 48 |
| V. | КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 103 |
| VI. | ГЛОССАРИЙ..... | 106 |
| VII. | АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 112 |

I. ИШЧИ ДАСТУРИ

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фенни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни маҳсус матнлар таржимаси назариясига оид фундаментал билимларнинг асослари, маҳсус матнларни таржима қилишдаги муаммолар, матн ва услубий хусусиятлари, матн ва унинг категорияси, турли услубга оид

матнлар, турли услубдаги матнларнинг хусусиятлари, матн турлари ва жанрларини функционал жиҳатдан фарқлаш, матнлар таржимасида кўлланадиган усуслар бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимотни такомиллаштиришда компаративистика, яъни қиёслашга асосланган методологиядан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг талабига айланди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Махсус матнлар таржимаси” модулининг мақсади педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига таржима технологиясининг моҳияти, услублари, стратегиялари, усуслари борасидаги билимларини такомиллаштиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- “Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- матнлар таржимаси назарияси ва амалиётига оид фундаментал маълумотларни бериш, жаҳон олимларнинг ушбу соҳасга оид илмий изланишлари билан таништириш;
- турли матн хусусиятларини, матн ва матн категориялари ҳамда матндаги ахборот тушунчалар тизими, терминлар маъно жиҳатидан таснифи, турларини ҳақида билим бериш;
- таржимада услуб, жанр ва контекстнинг ўзаро боғлиқлиги, шу билан бирга турли матнлар таржимасида умумий ва жузъий муаммоларни фарқлаш ва таҳлил қилиш;

- таржима қилинган матнларни таҳрир қилиш, турли матнлар таржимасида кўп учрайдиган лексик, грамматик ва услубий хатоларни бартараф қилиш йўлларини ўргатиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари

ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Махсус матнлар таржимаси” модули бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- матнлар таржима назариясига оид фундаментал билимлар асосларини;
- махсус матнларни таржима қилишдаги муаммоларни;
- турли услубдаги матнларнинг хусусиятларини;
- матн турлар ва жанрларини функционал жиҳатдан фарқлашни;
- турли матнларни лексика-семантик таҳлил қилишни ўрганишни;
- тарихий матнлар таржимаси ва унда дуч келинадиган муаммоларни;
- матнлар таржимасида қўлланадиган усуслар ва методларни **билиши** **керак**.

Тингловчи:

- турли матнларда лисоний, структурал-мазмуний хусусиятлар ва таржима қийинчиликларни англаш;
- турли услуг ва жанрдаги матнларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда амалий тажрибага **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- матнларни таржимаси назарияси соҳасида олинган билим, малака ва кўникмаларни ўқув ва касбий фаолият жараёнида қўллаш;
- ўзбек ва чет тилдаги турли услубдаги матнларни фарқлаш, таҳлил қилиш ва натижаларни таржима жараёнида қўллаш **малакаларини эгаллаши** лозим.

Тингловчи:

- матн, матн категориялари, матндағи ахборот түшунчалари, терминлари таснифи ва уларни таржима қилиш масала ва усулларини ўрганиш;
- матнлар таржимаси назариясида учрайдиган неологизмларни тузилиши, ҳосил бўлиши ва таржима қилишни билиш;
- турли матнларни лексика-семантик таҳлил қилишни ўрганиш;
- матндағи грамматик қонуниятларини аниқлай билиш;
- оғзаки ва ёзма таржима услубларини эгаллаш;
- чет тилидан она тилига ва аксинча она тилидан чет тилига эркин таржима қилиш бўйича тасаввур, кўникма **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таржимашуносликда тадқиқотлар олиб боришининг тизимли ёндашувлари”, “Таржима қилиш ва ўқитишнинг замонавий тенденциялари”, “Таржима ва маданият”, “Таржимада АКТ” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Махсус матнлар таржимаси” модули мазмуни ўқув режадаги мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий касбий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | |
|---|-----------------|--------------------------------------|----------------------------|-----|
| | | Хамма чи | Аудитория ўқув юкламаси | КИЛ |
| | | | | |

| | | | Жами | жумладан | | |
|----|---|----|------|----------|--------------------|--|
| | | | | Назарий | Амалий маннупот | |
| 1. | Махсус матнлар таржимаси назариясига оид фундаментал билимларнинг асослари. | 2 | | 2 | | |
| 2 | Матнлар таржимасида қўлланадиган усуллар. | 2 | | | 2 | |
| 3. | Матнлар таржимаси назариясида учрайдиган неологизмларнинг тузилиши. | 2 | | | 2 | |
| 4. | Матн ва услугбий хусусиятлари. | 2 | | | 2 | |
| 5. | Матнда қўлланидиган қисқартмалар. | 2 | | | 2 | |
| 6. | Бадиий услугга оид матнлар таржимаси. Расмий услугга оид матнлар таржимаси. Илмий услугга оид матнлар таржимаси | 2 | | | 2 | |
| | Жами: 12 соат | 12 | | 2 | 10 | |

Назарий таълим соатлари мазмуни

1-мавзу: Махсус матнлар таржимаси назариясига оид фундаментал билимларнинг асослари.

Матнлар таржимаси назарияси бўйича мавжуд адабиётлар шархи. Матнлар таржимаси назарияси бўйича қўлланиладиган терминлар таснифи ва таҳлили. Матнлар таржимаси назарияси бўйича интернет манбаларидан фойдаланиш йўллари. Турли функционал улубдаги матнлар таржимасида тематик, махсус ва лингвистик лугатлардаги маълумотлардан фойдаланиш

йўлари. Бир ва кўп тилли лугатлар ва энциклопедик лугатлардан фойдаланиш.

Амалий машғулотлар мазмуни

1-мавзу: Матнлар таржимасида қўлланадиган усуллар.

Лингвистик ва нолингвистик матнлар. Турли матнларни таржима қилиш хусусиятлари. Матнларда қўлланадиган категориялар ва уларни таржимада сақлаш хусусиятлари. Матнни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш. Турли функционал услубдаги матнларда қўлланаган сўзлар таснифи ва уларни таржима қилиш. Матн таржимасидаги асосий қийнчиликларини аниқлай олиш ва уларни бартараф этиш воситалари.

2-мавзу: Матнлар таржимаси назариясида учрайдиган неологизмларнинг тузилиши.

Матнларда неологизмларнинг ҳосил бўлиши (аффиксация, конверсия, сўз ясаш, қисқартмалар). Турли матнлардаги неологизмларни таржима қилиш усуллари.

3-мавзу: Матн ва услубий хусусиятлари.

Матн турлари. Матннинг функционал услуг жиҳатдан турлари. Матн категориялари ва матндаги ахборот турлари тизими тушунчаси. Матнлар таржимаси назарияси фанидаги замонавий йўналишлар. Турли услугдагиматнлар таржимасига қўйиладиган талаблар.

4-мавзу: Матнда қўлланидиган қисқартмалар

Матнлар таржимаси назариясига хос бўлган расмий, стандарт ўзгартириб бўлмас қисқартма сўзлар - акроним ва аббревиатура ўрганилади.

5-мавзу: Бадиий услугга оид матнлар таржимаси. Расмий услугга оид матнлар таржимаси. Илмий услугга оид матнлар таржимаси

Бадиий услугга оид матнлар таржима қилиш хусусиятлари. Матнларда қўлланадиган категориялар ва уларни таржимада сақлаш хусусиятлари. Матнни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш. Маданиятга оид сўзлар, реалий ёки миллий колоритга эга бўлган сўзларни таржима қилишда алмашинувлар, компенсация, сўз ёки маъно қўшиш, транскрипция, транслитерация,

калькалаш, лексик-семантик алмаштириш, конкретизация, генерализация, модуляция, гапни бўлаклаш усули, экспликация, функционал эквивалентлик, шаклий эквивалентлик, тасвирий ёки изоҳловчи таржима, бетарафлаштириш (вазифавий ёки изоҳланган эквивалент); сўзма - сўз таржима; мослаштириш; таркибий таҳлил; ўчириб ташлаш; жуфтлик; стандартлаштирилган таржима; изоҳлаш, шарх, ва таснифлаш фойдаланилади.

Расмий услугга оид матнлар таржима қилиш хусусиятлари. Матнларда қўлланадиган категориялар ва уларни таржимада сақлаш хусусиятлари. Матнни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш. Матнда қўлланадиган қолип сўзлар ва таржима. Турли қолип сўзлар ва уларнинг таржимаси. Қолип сўзларнинг матн ҳосил қилишдаги ўрни. Матндаги қолип сўзлар таснифи.

Илмий услугга оид матнлар таржима қилиш хусусиятлари. Матнларда қўлланадиган категориялар ва уларни таржимада сақлаш хусусиятлари. Матнни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш. Матнда қўлланадиган қолип сўзлар ва таржима.

Ўқитиш шакллари

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- ноанъанавий ўқитиш (интерактив, конференция, дебат);
- давра сухбатлари (муҳокама этилаётган муаммо ва унинг ечими бўйича мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли рақамлар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт яқунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Кўшимча маълумот |
|---------------------------|--|------------------|
| Коммуникатив компетенция | Адабий асарлар ёзиладиган тил | |
| Тил компетенцияси | Тилимизга чет тиллардан кириб келган янги сўзлар | |
| Таржимонлик компетенцияси | Эскирган сўзлар, архаизмлар | |
| Шахсий компетенция | Қўпол сўзлар | |

“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Муаллиф, ҳикоячи ва персонаж нутқини таҳлил қилинг ва ушбу жадвалга туширинг.

| | | |
|---|---|---|
| S | ихтисослик бўйича матнлар профессионал таржимонлар гурухи қадрий ориентацияси ва менталитетига кириб бориш | ихтисослик бўйича матнлар таржимасида касбий шаън ва қадр қоидаларига риоя қилиш |
| W | таржима қилинаётган ахборот/маълумотнинг аниқ-лиги ва адекватлиги учун жавобгарлик, мукаммаллик ва мустақил ўқишига тайёрлик | фикрлаш: амалий, репродуктив, продуктив, мантикий, таҳлилий-мантикий, интуитив |
| O | таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни бартараф этишига ҳамда турли ҳил вазифаларни бажаришига кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалар | тил бирликлари функциясининг тизимли қоидаларини билишгина эмас, балки нутқ малакаси даражасида тил материалини |

| | | |
|----------|------------------|---|
| | | билиш, яъни муайян мазмунни ифодаловчи гапларни тўғри тузиш |
| Т | Тўсиқлар (ташқи) | таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни |

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуу якунланади.

| Тил шакллари | | | | | |
|--------------|-----------|------------|-----------|-----------------|------------|
| Адабий тил | | Бадиий тил | | Халқ жонли тили | |
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиг и |
| | | | | | |
| Хуносаси: | | | | | |

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш

кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда семинар машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: Таржимон халқлар ўртасида воситачи

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг

анализ ва синтезини турли аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Таржима қилишнинг замонавий тенденциялари

Режа:

- 1.1. “Махсус матнлар” модулига кириш
- 1.2. Матнлар таржимаси назарияси бўйича мавжуд адабиётлар шарҳи.
- 1.3. Турли функционал улубдаги матнлар таржимасида тематик, махсус ва лингвистик лугатлардаги маълумотлардан фойдаланиш йўллари.

Таянч тушунчалар: таржима, ўгириш, ағдариш, аслият, аслият матни, таржима матни, таржима назарияси, таржима амалиёти, таржима методлари, лувавий маъно, бадиий таржима, ижодкорлик, оғзаки таржима, компенсация, киёсий тилшунослик.

Курс давомида матн таржимаси, матн ва матн категориялари тушунчаси, матнлар таснифи ва уларни таржима қилиш масалалари ва усуллари, матн хусусияти, таржима жараёнининг асосий қийинчиликларини аниқлай олиш ва уларни бартараф этиш воситалари, неологизмлар, интернационал сўзлар ва таржимадаги “сохта дўстлар” масалалари, таржима жараёнидаги лексик, грамматик ва стилистик қийинчиликлар кўриб чиқилади. Мазкур фан талабаларга она тили ва чет тиллардантурли функционал услубдаги матнларни оғзаки ва ёзма равишда таржима қила олиш, мавжуд таржималар сифатини аниқлаш, малака ва кўникмаларни, турли матнлар таржимасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида чуқур маълумот беради.

Матн таржимаси назарияси турли услубдаги матнлар таржимаси таҳлили қўникмаларини ривожлантиришни назарда тутади. Курс якунида талаба таржима қилинган матнни таҳлил қилиш, таржиманинг умумий йўналишини танлаш, таржима талқинини амалга ошириш, таржима матнини таҳrir қилиш малакаларига эга бўлади. Чет, ўзбек ва рус тилларининг

тузилиши ва турли матнларда қўлланиладиган тил воситаларини янада чукурроқ ўрганишга туртки бўлади.

Матнлар назарияси таржимаси бўйича амалий машғулотларда бевосита ёзма таржима қилиш кўнилмаларини янада ривожлантириш, матнни англаш билан бирга сўз ва терминлар маъносини таҳлил қила олиш, асосий маъно компонентларини теран билиш, матнни бутунлай ёки қисмлар бўйича таржима қила олиши талаб этилади.

Таржима дастлаб таҳлилдан бошланади, унинг мақсади матннинг ташқи маълумотлари ва мазмунидан келиб чиқсан ҳолда хусусиятини аниқлашдан иборат. Ташқи маълумотлар-муаллиф ҳақидаги маълумотлар, матн яратилган ва чоп этилган вақт, ушбу парча олинган тўлиқ матн. Мазмун-асосий ғояни шакллантириш, бу ғояни ишлаб чиқиш ва унинг таркибий қисмларини ажратиш, асосий қоида ва далилларни ўз фойдасига тушунтириш, асосий ғояни баҳолаш ва хулосани ўз ичига олган ички тузилмадир. Мазмун маълум қайта шаклда ўз ифодасини топади. Бу ҳикоя (воқеаларнинг кетма-кет тақдимоти), тавсиф (нарсаларнинг белгиларининг хусусиятлари, жонли ва жонсиз табиат ҳодисалари, моддаларнинг ҳолатлари ва бошқалар бўлиши мумкин.). нутқ шаклларига хабар (ахборот, янги фактлар билан танишиш) ва мулоҳаза (факт ёки ҳодисани тасдиқлаш ёки рад этиш) ҳам киради. мазмун таҳлили матнга сингдирилган ахборот тури, матннинг коммуникатив вазифаси ва нутқ жанри ҳақида тасаввур беради. Бу маълумотлар таржима доминанталарини аниқлаш ва тўғри стратегияни ишлаб чиқиш имконини беради.

Бошқача қилиб айтганда, таржимада тил воситаларини танлаш матн ташувчи ахборот турига боғлиқ. Ахборот тури матн тури, унинг функционал услуби, нутқ жанри, коммуникатив ва прагматик йўналишини белгилайди ва тил услубинининг ўзига хос воситаларига эга. Нутқ маълумоти уч турга бўлинади: когнитив, ҳиссий ва эстетик.

Когнитив ахборот, яъни ташқи дунё ҳақида объектив маълумот, атама бўлган кўплаб сўзларнинг мавжудлиги ва атаманинг асосий хусусиятлари,

нейтрал бўёқдорлик ва контекстдан алоҳида хусусиятлари билан тавсифланади. Когнитив ахборотни ўз ичига олган лексик бирликларни таржима қилиш, аввало, аниқ бир мухит – луғавий эквивалентлар орқали амалга оширилади. Матндаги когнитив ахборотни расмийлаштириш учун таржима қилинган матнга тегишли бўлган функционал услубнинг ёзма адабий нормасининг бетараф варианти воситаларидан фойдаланамиз.

Ҳиссий ахборот-муаллиф томонидан ифодаланган ҳис-туйғулар ҳақидаги маълумот. Ҳар бир муайян тилнинг ҳар бир ўзига хос функционал услуги ва нутқ жанрига хос ҳиссий бўёқдорлик сўз бирикмалари ва синтактик структуралар ёрдамида етказилади.

Эстетик ахборот-гўзаллик туйғусини уйғотувчи образ. Унинг ифода воситалари метафора, эпитетлар, қофия, сўз ўйини ва бошқа маҳсус методларидир.

Битта матнда бир хил турдаги ахборотлар ёки ҳар хил турдаги ахборотлар комбинацияси бўлиши мумкин.

Илмий-техник матнлар когнитив ахборотдан устун туради. Бироқ, ҳатто энг оғир илмий-техник матн ҳиссий ахборот баъзи қисмини ўз ичига олиши мумкин. Материални маҳсус матнда тақдим этишнинг мантиқий тамойилига қатъий риоя қилиш қониқиш ва ҳайрат ҳиссини уйғотиши ва шунга мос равища эстетик ахборот сифатида қаралиши мумкин.

Ахборот турини таҳлил қилишда унинг зичлигини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Ахборотнинг кетма кет зичлигини оширувчи воситалар қисқартмалар, синтактик структураларнинг иккиласмачи компонентларининг камчиликлари, формулалар, диаграммалар, графиклар ва таржимада худди шу тарзда сақланиб, узатиладиган тасвирий материаллардир.

Матннинг ахборот мазмунини таҳлил қилиш мулоқотнинг мақсадини белгилаш ва таржима доминанталарини аниqlаш имконини беради.

Ҳар бир функционал услуг ўзига хос параметрлар мажмуи билан тавсифланади. Биринчидан, маълум метод моддий мазмунни акс эттиришdir. Илмий услубда, масалан, мазмуннинг абстракт тури, ахборот ва иш

услубида-умумлашган тури аниқланади. Кундалик услуб ўзига хос мазмун тури билан, адабий-бадиий услуг эса образлилик билан ажралиб туради. Иккинчидан, услугнинг етакчи функцияси (изохловчи-аргументловчи, ахборот берувчи, йўналтирувчи, эстетик ва бошқалар.). Учинчидан, функционал услубларга холисона хос бўлган тоналлик (бетараф, тантанали равища тасдиқланувчи, ишбилармонлик). Тўртинчидан, тафаккур тури (тавсифий, ахборотли, концептуал - таҳлилий) киради.

Дастлабки таржима таҳлилиниң якуний босқичи таржима матнининг функционал услуби ва нутқ жанрини белгилашдан иборат. Ҳар бир нутқ жанри ўзига хос шаклга эга бўлиб, турли тиллардаги тегишли нутқ жанрларининг типик шакллари одатда бир-бирига мос келади.

Таржима инсон фаолиятининг кадимиј турларидан бири бўлиб, турли тилли халқларнинг мулоқотини амалга оширишга йўналтирилган. Ўзок тарихга ва ўзига хос ривожланиш боскичларига эга таржимонлик фаолияти фақат XX асрга келиб алоҳида фан, тилшунослик билимларининг бир соҳаси сифатида шакллантирилди.

XX асрда I ва II жаҳон урушлари сабабли бўлиб ўтган глобал ўзгаришлар, фан ва техниканинг ривожланиши, халқаро алоқаларнинг жадаллашуви ва кўпгина социолингвистик омиллар таржима фаолиятининг фан сифатида ривожланишига турки бўлди. Таржимашуносликнинг ўзига хос назария сифатида ривожланишига таниқли тилшунос ва таржимашунос олимлар В. Комиссаров, А. Фёдоров, Л. Бархударов, Я. Рецкер, F. Саломов, Қ. Мусаев, Ю. Найда, Ж. Кетфорд ва бошқалар катта хисса қўшди.

Таржима назарияси борасида XX асрда амалга оширилган илмий ишларнинг, яратилган таржима мактабларининг мантикий давоми XXI асрда ҳам ўз самарасини курсатмоқда.

Таржима назарияси борасида олиб борилган илмий тадқиқот ишларини тахлил қиласар эканмиз, Россия, Европа, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда яратилган илмий мактаблар, олиб борилган ишлар диккатга

сазовор. Жумладан, инглиз таржимашунослари Т. Сэвори, Ж. Кетфорд тадқиқотлари эътиборга лойик.

Т. Сэвори умумий таржимашунослик тамойилларидан четга чикмаган холда замонавий таржимашуносликнинг муҳим омилларидан бири - таржима жараёнини батафсил ўрганиб чиккан. Т. Сэвори фикрича, таржима тури, асосан, китобхоннинг қайси тоифага мансублигидан келиб чикади. Бу ходиса таржима pragmatikasida жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таржимашунос ўз тадқиқотида китобхонларни 4 тоифага бўлиб ўрганишни тавсия этади:

- 1) умуман чет тилини билмайдиган китобхон;
- 2) чет тилини таржима орқали ўрганган китобхон;
- 3) чет тилини билган, лекин унтиб юборган китобхон;
- 4) чет тилини жуда яхши биладиган китобхон. Рецепторларнинг мазкур таснифи таржима назариясида бошқа кутарилмаган бўлса-да, лекин таржима жараёнининг натижаси ким учун таржима қилинаётгани билан боғлиқлиги ҳақидаги гоя замонавий таржима фаолиятининг концептуал аппаратига мустахкам урнашган. Замонавий таржимашуносликнинг шаклланишига хисса кушган инглиз таржимашуноси Ж. Кетфорднинг

«Таржимашуносликнинг тил назарияси» илмий тадқиқоти муҳим ўрин тутади.

Матнлар таржимаси назарияси бўйича мавжуд адабиётлар шарҳи. Ўзбекистонда асос солинган таржима мактаблари ҳам тахсинга сазовор. Хусусан, профессор Файбулла Саломовнинг дастлабки тадқиқотлари у хали Самарканд давлат университетида тахсил олаётган йиллари бошланган эди. Унинг «Мақол, матал ва идиомалар таржимаси», «Бадиий таржиманинг лексик-фразеологик масалалари», «Рус тилидан ўзбек тилига мақол-маталлар таржимаси» рисолалари чоп этилди, кўп ўтмай «Тил ва таржима» (1964) номли монографияси «Фан» нашриётида босилиб чикди. Шу йиллари у луғатчилик ва қомусчилик масалаларига доир илмий ишлар ёзди. «Таржимон махорати», «Дустлик кўприклари»

(ҳаммуаллифликда), «Бадиий таржима ва адабий тахрир проблемалари», «Таржима ташвишлари», «Адабий анъана ва бадиий таржима проблемалари», «Таржима назариясига кириш», «Таржима назарияси асослари» номли монография ва дарслеклари чоп этилди. Унинг бевосита рахбарлигидаги «Таржима санъати» тупламиининг олти китоби чоп этилди. Бу ишларда бадиий таржима назарияси, киёсий адабиётшунослик ва таржима, тил, адабиёт ва таржима, таржимон маҳорати ва таржима санъати, миллий колорит ва таржима аниқлиги, давр рухи, услугуб ва таржима борасида изчил назарий фикрлар баён этилган, бир неча тилда яратилган адабиётлар, таржималарни киёслаб ўрганиш асосида долзарб илмий муаммолар ечилган.

Профессор Файбулла Саломов биринчилардан бўлиб бу икки йуналишни биректирди, яъни таржима ҳам лисоний, ҳам бадиий ходиса эканини илмий жихатдан исботлади. «Таржима тарихи»,

«Таржимашуносликка кириш», «Умумий таржима назарияси асослари» деган курсларни ишлаб чикиб, дастурлар тўзди ва иккита дарслек ёзиб, нашр эттирди. Бу дарслеклардан хозир ҳам республика олий ўқув юртларида фойдаланиб келинмоқда.

Хозирги даврда XXI асрнинг замонавий таржимашунослигига жуда кўплаб ўзбек таржимонлари ва лингвистлари ўз хиссаларини қушмокда. Булардан Хуршид Даврон, Муҳаммад Али, ИброхимFaфуров, Ўдратхон Мусаев, Абдўзухур Абдуазизов, Нажмиддин Комилов, Иброхим Faфуров, Бегойим Холбековаларни айтиб утиш лозим.

Бугунги кунда таржимага тобора ортиб бораётган кундалик эҳтиёж, ўз навбатида, малакали таржимонларга бўлган эҳтиёжнинг усишига олиб келмоқда. Олий ўқув юртлари ўқув базасини кучайтириш учун ранг-баранг дарслек ва ўқув кулланмалар, лугатлар нашр этишга катта эътибор каратилмоқда. Тўзувчилар Шавкат Бутаев ва Аббос Ирискуловнинг 70 минг

сўз ва иборани жамлаган инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча лугати,

А. Исмоилов, О. Муминов, Н. Камбаров сингари захматкаш олимларнинг дарсликлари талабаларнинг хорижий тилларни ва таржимонлик фаолитини ўрганишларида асосий кулланмалардан бири сифатида хизмат қилмокда. Абдўзухур Абдуазизов сингари жонкуяр олимларнинг яратган тилишунослик ва фонетикага доир дарсликлари янги давр талабаларига тил ўрганишларида гоят кул келмокда.

Кудратилло Мусаевнинг «Таржима назарияси асослари» дарслиги ва, айникса, унинг 240 босма табоқдан иборат уч жилдли инглизча-русча-ўзбекча иктисадий терминлар луғати ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш йўлидаги тах-синга сазовор йирик ишлардан биридир.

Ўзбекистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида ўтказилаётган илмий конференциялар таржима назарияси ва унинг киёсий, когнитив лингвистика билан ўзвий богик муаммоларини ечиш устида олиб борилаётган тадкиқотлар илмий соҳанинг мухим йуналишларини камраб олаётганлигини яққол курсатди.

Таниқли таржимашунос олим Носир Камбаров уларнинг айримлари хақида фикр билдириб, таржима тахрири асослари ишлаб чиқилмаганлиги ва бунга мутлако эътибор берилмаётгани, таржима тахрири буйича биронта ҳам кулланма ёзилмаганлигига диккатни каратади. Хакикатан, хозирги кунда чикаётган таржима асарларни укиганда ута гализ, палапартиш таржима қилинган тушунарсиз жумлаларга дуч келиш мумкин. Бу таржимонларнинг лингвистика, стилистика, синтаксис услуб-коидаларини пухта ўрганмасдан таржимага киришиб кетаётгани натижасидир.

Юқоридаги таржима назарияси соҳасида ютукларни тахлил қилас эканмиз, эътиборимизни Россияда яратилган тажима мактаблари ва уларнинг ютуклари, таржима назарияси соҳасига қушиб келаётган хиссалари беихтиёр жалб этади. Сўнгги йилларда яратилган адабиётларни тахлил қилган холда қўйидаги таржимашунос олимларнинг ишларини тахсинга сазовор, десак муболага бўлмайди.

В. В. Алимовнинг «Таржима назарияси. Профессионал мuloқot

соҳасидаги таржима» ўқув кулланмасида таржима назарияси, таржимоннинг назарий тайёрланиши учун мухим бўлган лингвистик холатлар; таржима тиллараро ва миллатлараро муроқот воситаси сифатидаги аҳамияти; таржиманинг икки хиллиги, қўп хиллиги ва асоси; таржима тушунчаси; таржиманинг аниқлиги; интерференция ходисаси, тўғри ва эркин таржима; таржиманинг мундарижа буйича мухим турлари; таржиманинг конуний тўғри келиши; таржимада грамматик қийинчиликлар, хорижий адабиётнинг аннотацияси ва уни рефератлаш, таржима нашрнинг асослари каби мавзулар жуда яхши ёритилиб, қўплаб саволларга жавоб берилган.

Линн Виссон «Рус тилидан инглиз тилига синхрон таржима» асарининг аудио кулланмаси синхрон таржимага ургатиш йўлида куйилган биринчи кадам деб хисобланади. Инглиз тили грамматикасидан яхши билимига эга бўлган бошловчи таржимонга мулжалланган ушбу йигма ўз камровига ёзма ва оғзаки таржима бирлигини олади. Уни З кисмга булиш мумкин. Биринчиси 25 та рус тилидаги ёзма матнлардан иборат. Ўз жанри буйича нотикларнинг БМТ кенгашларида ва бошқаларда сўзланган нутқлари, интервью саволларига жавоблар ва бошқа турли мавзулардаги материаллар сиёsat, иктисад, экология, тиббиёт ва санъат соҳалари буйича материаллар хисобланади.

Т. А. Казакованинг «Таржиманинг амалий асослари» ўқув кулланмаси инглиз тилини ўрганувчилар учун мулжалланган бўлиб, таржима назарияси ва амалиётини ургатувчи фанлар дарслкларига киради. Кулланма инглиз тилидан рус тилига ва рус тилидан инглиз тилига таржима қилишга оид билимларни эгаллаш ва малакани оширишга йўналтирилган. Кулланма яратилишининг асосий тамойили икки томонлама таржима мобайнидаги тил бирликларини ўзгартиришнинг усулларини ишлата билиш хисобланади. Кўлланма хорижий филология факультетларида тахсил олаётган бўлғуси таржимонлар, инглиз тили ўқитувчилари ва бошловчи таржимонларга мулжалланган.

Л. К. Латишевнинг «Таржима технологияси» китоби ўқитувчилар, немис тилидан таржимонлар, филология факультетлари талабалари учун кулланма сифатида тавсия этилади. Китобда рус ва немис тилларидаги мисоллар билан бирга, хар бир назарий билим аниқ мисоллар билан берилган. Ушбу қўлланмадан нафақат филология йуналишида, балки бошқа йўналишдаги олий таълим муассасаларининг таржимонлик соҳасини ўрганаётган ҳамда билимларини мустақил ривожлантир-мокчи бўлган талабалар ҳам фойдаланиши мумкин.

Турли функционал улубдаги матнлар таржимасида тематик, махсус ва лингвистик лугатлардаги маълумотлардан фойдаланиш йўллари.

«Ўзбек тилининг изохли лугати»да: «Таржима - бирор тилдан иккинчи бошқа бир тилга агдарилган матн», - дея таърифланади. Ушбу таъриф «таржима» сўзи муайян фаолият натижаси эканлиги ҳамда бу сўз мохияти замирида фақат натижа ётмаслигидан далолат беради. Чунки хар қандай натижа мантикан маълум бир жараёнга хос махсулот хисобланади. Шу нуктаи назардан, «таржима» сўзининг замирида яширинган иккинчи маъно «ўгириш жараёни» экани маълум бўлади. Бу таржима билан алокадор фанларнинг умумий мақсади бир тилда яратилган матнни иккинчи тилга ўгириш жараёнини ўрганиш билан боғлиқлиги ва бу борада тўпланган билим ва қўникмалар сифатини таржима натижалари воситасида текшириб кўриш мумкинлигидан далолат беради.

Албатта, ушбу жараённинг физиологик ва психологик томонлари ҳам мавжуд. Аммо ушбу дарсликда таржиманинг лингвистик томонларини ёритиш мақсад қилиб қўйилди. Бошкacha айтганда, асосий эътибор таржима жараёнини соф лингвистик маънода тушунишга, яъни бир тилдаги матнни иккинчи бир тилга ўгириш, трансформация қилиш масалаларига қаратилади. Шунга мувофик тарзда таржима назариясининг предметини аниқлашда бир тилдаги матнни бошқа тилга ўгириш жараёни тушунилади. Унинг ўрганиш обьектини эса ёзма ва оғзаки нутқ ташкил қиласи.

фаннинг вазифаси таржима жараёнига хос лисоний, адабий ҳамда социолингвистик қонуниятларни ўрганишдан иборат.

F. Саломовнинг фикрига кўра, таржима атамаси форсча «тарзабон» сўзининг ўзгарган шаклидир. Тарзабон форс тилида «чиройли сўзловчи, нотик, тили бурро киши» деган маъноларни англатади. Асли арабча бўлган ушбу сўз «таржумон» шаклида бўлиб, ундан «таржимон», «таржима» сўzlари хосил бўлган.

Саволлар:

1. Махсус матнлар мазмунини қайси нутқ шакларида ифодалаш мумкин?
2. Нутқий ахборот қандай турларга бўлинади?
3. Махсус матнларда нутқ маълумотларининг қайси тури устунлик қиласиди?
4. Когнитив ахборотнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Матнда ҳиссий ахборот қандай воситалар орқали узатилади?
6. Эстетик ахборотни ифодалаш воситаси нима?
7. Махсус матнларда ахборотнинг кетма кетлик зичлигини нима оширади?

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Матнлар таржимасида қўлланадиган усуллар.

Режа:

- 1.1. Лингвистик ва нолингвистик матнлар.
- 1.2. Турли матнларни таржима қилиш хусусиятлари
- 1.3. Турли функционал услубдаги матнларда қўлланаган сўзлар таснифи ва уларни таржима қилиш.

Таржиманинг функционал макоми аслиятнинг структурал ҳамда семантик бир хиллиги билан мустахкамланади. Таржимон муаллифлик хукукини бўзиши мумкин бўлган изох ва иловаларни иложи борича ўз матнида кулламасликка харакат қилиши лозим.

Таржиманинг таркибий тўзилишида асл манба матннинг қўйидаги хусусиятларига эътибор каратилиши лозим: а) баён қилиш кетма-кетлиги; б) матндаги алоҳида бўлаклар тартиби ўзгармаслиги. Булардан кўзланган мақсад таржимадаги хар бир бўлакнинг аслиятдаги тегишли кисми билан иложи борича ўхшашлигини таъминлаш ва хар қандай бир хилликнинг бўзилиши аслиятда акс этган маънони аниқрок кучиришга бўлган эҳтиёж натижасидир. Таржимон томонидан баён қилиш ёки изохлаш тартибини ўзgartиришга фақат тўғридан-тўғри, бевосита таржима имкони бўлмаганда йўл куйилади.

Таркибий ўхшашик таржима матннинг тегишли кисмida аслиятнинг қайси элементлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, қайси элементқўшилганлиги ёки тушириб колдирилганлиги ҳамда уларнинг мувофиқлигини аниқлаш имконини беради. Бошқача айтганда, таркибий ўхшашиклар аслият матнининг энг кичик бўлакларини ҳам таржимада тушириб колдирилишига йўл қўймайди.

Асл манба матн таржимасидаги энг мухим нарса - бу мазмуний ўхшашлиқдир. Унда таржима матн аслият матн билан бир хил мазмун касб этади деб хисобланади. Манба матн орқали ўзатилган маълумот билан таржима матн сифатида қабул қилинган маълумот уртасида фарқ мавжудлиги тўлиқ маълумот алмашиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлади. Манба ва таржима матн уртасидаги семантик бир хиллик маъно муқобилларининг турли даражаларига асосланади. Таржимон, одатда, асл манба матнга якин бирликлардан фойдаланишга харакат қиласи. Чунки таржима амалиёти аслият матнни бошка тилга кучиришда содир бўладиган харакатлар мажмуидир. Бунга ўз касбининг устаси бўлган, малакали ёки шу ишга тугма иктидори бўлган таржимонларгина эришади. Шох таржима асарлар улкан сўз санъаткорлари саъй-харакатлари хосиласи уларок юзага келади.

Тахлилга тортилган воқеа-ходиса каби таржима ҳам бирор ходиса табиати, таркибий кисмлари ва уларнинг ички алокаларини тушунишга каратилган илмий машғулот объекти бўла олади.

Таржима жараёнини ва шу жараён хосиласи бўлган асарларни назарий жихатдан ўрганиб бориш таржима назариясининг вазифасидир. Назарий изланиш - бу таржима нималигини аниқлаш, таржимон ички сезгилари асосини ташкил этувчи объектив омилларни топиш, манба ва унинг таржима матни коммуникатив кийматидаги ўхшашликларни намоён қилувчи йўл ва услубларни тасвирлашдир. Таржима назарияси таржимонни тахлил ва умумлаштириш учун зарур бўлган коида, усул ҳамда воситалар билан таъминлайди, манба матнда нимани излаш кераклигини ургатади, таржима қилинган матн қандай булиши ва таржимани қандай амалга оширишни тушунтиради. Энг мухими, у таржимоннинг хунари, санъатига айланади.

